

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 5 ноябрь, чоршанба

№90 (11.581)

Эркин нарҳда сотилади

Ишонч ёрликлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиядаги Факултета ва Мухтор ўқитиш Т. Рискиев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Кирилласи Елизавета II Зоти Олияларига ишонч ёрликларини топширди.

Ишонч ёрликларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Зоти Олиялари Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларга қизиқиш билдирди, таълим, маданият, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни ижобий баҳолади.

«Жаҳон» АА.

«ҲАНДАЛАК» ХИЗМАТДА БЎЛДИ

Чиноз туманидаги Навоий номи ширкат хўжалиги аъзолари ўтган яқшанба кўни мириқиб дам олдидлар.

«Хандалак» гуруҳи, республикада хизмат кўрсатган хонанда Юлда Абдуллаева, қизиқчи Хасан Тоиров дилрабо куй ва қўшиқлари, ичақузди хангомалари билан уларга завқ бағишладилар.

Махсус концерт дастури олдидан хўжалик бошқаруви илгор маҳаллий теримчи ва хашарчиларга гилам сова қилди. Шунингдек, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқаро Амир Темур жамғармаси вакиллари ҳам ўз совғаларини топширдилар.

Гулноз ТОШМАТОВА.

ЯНГИБОДАДА МЕХНАТ БОЗОРИ

Қибрай туманидаги «Янгиобод» қишлоғида меҳнат бозори бўлиб ўтди.

Тадбир давомида қирқ нафар фуқарога малакали маслаҳатлар берилди. Йилгирма нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди, ўн нафари касбга йўналтирилди. Янгиободлик фуқаролардан икки нафарига эса вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди. Зардушлик ҳунарини ўрганиш истағида бўлган ўн нафар қиз рўйхатга олинди, опти ойлик ўқув курсларига юборилганлар билди. Яна ўн нафари эса «Любак» усулида тикучилик касбини ўрганади. Бу мақсадлар учун тегишли маблағни туман меҳнат бўлими ажратди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Шанбалик

ФАОЛ ҚАТНАШДИЛАР

Жорий йилда мамлакатимиздаги каби пойтахт вилоятимизда республика мустақиллигининг 12 йиллиги ва Конституция кўнига бағишлаб бошланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экологик кўчалари давом этмоқда.

«Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси ва Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилаётган бу тадбир уч босқичда ташкил этиляпти. Утган давр мобайнида унинг икки босқичи бўлиб ўтди. Хозирги вақтда эса учинчи босқичи ўтатилади. Бундай кўчаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда барқарор экологик муҳитни яратиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жонлантириш, шунингдек, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўниқларини кучайтиришдир. Бу босқичда халқ хўжалигининг барча тармақларида қишки мавсумда ишла-

АҚШ СИЁСАТЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собик маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, мазкур академия ректори А.Азизхўжаев Збигнев Бжезинский фаолияти, унинг жаҳон сиёсатшунослик фани олдидagi хизматлари тўғрисида сўзлади.

З.Бжезинский ўз сўзида Ўзбекистоннинг ўзига хос мамлакат эканлигини таъкидлади.

У мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлашдаги ҳиссасига юксак баҳо берди.

Шу кўни меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди.

Учрашувда З.Бжезинскийнинг мамлакатимизга мазкур ташриф илмий тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бутуни ва истиқболига оид долзарб масалалар, турли минтақалардаги сиёсий вазиятлар ҳақида сўзлади, институт ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ф. АРЗИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар

МАҲАЛЛА – АДОЛАТ МАСКАНИ

Шу кўнларда улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга молик воқеани бошдан кечирмоқдамиз. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловлар бошланди. Албатта, бу жуда муҳим, ҳаётий ва масъулиятли масала.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги қарориди таъкидланганидек, сайланажак оқсоқол ва маслаҳатчилар ташкилотчилиги қобилиятига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор, ҳар жиҳатдан етук инсонлар орасидан таллаб олинши керак.

Масала шу тарзда қўйилишининг боиси шундаки, биз кучли давлатдан кучли жамиятга ўтмоқдамиз, ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Улкан сиёсий, тарбиявий ва маънавий маскан бўлиши маҳалларимиз эса биз кураётган давлатнинг пойдевори-дир. Биздаги маҳалла-маҳалла бўлиб яшаш тамойили хатто хоржий мамлакатларнинг ҳам эътиборини жалб қилмоқда. Маълумки, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига ўтиб бораётди. Айни шу жиҳат қўйи бошқарув ишларимизда ҳам ҳар томонлама етук ташкилотчилар бўлишлигини тақозо этади.

Юртбошимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асариди бир қанча ваколатли вазифалар давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширилишининг муҳияти ҳақида ёзиб, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдирди, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби катта ва муҳим масалалар борки, булар, албатта, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият идоралари, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига тушмоқда, деб таъкидлаган эдилар. Фуқаролик жамиятининг мустақам асосларини барпо этишнинг бош негизи ҳам шундадир.

Ана шундай кенг камровли, муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этувчи вазифаларни амалга оширишда раҳбарлик қила билишга қодир ва лойиқ шахслар орасидан катта ҳаёт ва бошқарув тажрибасига эга, ташкилотчи ва ташаббускор, фидойи ва жонқуяр, ҳалол ва адолатпарвар, халқ ўртасида юқори обрў ва ҳурматга сазовор бўлган, билимли ва малакали кишилар орасидан оқсоқол ва маслаҳатчиларни сайлаш ўткази-

фрадузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби катта ва муҳим масалалар борки, булар, албатта, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият идоралари, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига тушмоқда, деб таъкидлаган эдилар. Фуқаролик жамиятининг мустақам асосларини барпо этишнинг бош негизи ҳам шундадир.

Ана шундай кенг камровли, муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этувчи вазифаларни амалга оширишда раҳбарлик қила билишга қодир ва лойиқ шахслар орасидан катта ҳаёт ва бошқарув тажрибасига эга, ташкилотчи ва ташаббускор, фидойи ва жонқуяр, ҳалол ва адолатпарвар, халқ ўртасида юқори обрў ва ҳурматга сазовор бўлган, билимли ва малакали кишилар орасидан оқсоқол ва маслаҳатчиларни сайлаш ўткази-

зилаётган сайловларимизнинг бош мақсади ҳисобланади.

Шу муносабат билан маҳаллалар фаолиятига тааллуқли бир қатор масалалар юзасидан тақдир ва мулоҳазалар билдирмоқчиман.

Авалло, маҳаллаларга мақом бериб, маош тайинлаш сабабли қатор маҳаллалар бирмунча йириклаштирилиши ижобий натижа бераётганими? Бошқа бир савол ҳам муҳим: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилишга тўлиқ эришяптими? Ва, ниҳоят, маҳаллаларнинг бош раҳбари ким?

Кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб, шуни таъкидламоқчиманки, ҳар бир маҳалла ўзига хос анъана, урф-одатлари ва тарихига эга. Бинобарин, уларни меъридан ортиқча йириклаштириб юборишни турмуш тақозо этмайди.

Маҳаллалар қанчалик катталашса, уларни бош-

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСОСИ

Замонавий жарроҳлик фундаментал ва амалий билим соҳаларидаги муҳим ютуқларни доимий равишда ўзлаштириб, уларни соғлиқни муҳофаза қилишга йўналтиради. У жадал ривожланиб, нафақат ўз имкониятларини кенгайтиради, балки тиббиётнинг бошқа йўналишларига кучли рағбатлантирувчи таъсир ўтказди. В.Воҳидов номидagi Жарроҳлик илмий маркази фаолияти бунинг яққол далилидир.

30 йил аввал Тошкент давлат тиббиёт институти жарроҳлик шифохонаси базасида бошланган йўл маълум маънода Ўзбекистон жарроҳлиги ривожланиш тарихи ҳисобланади. Республика пойтахтида бундай йўналишдаги илмий-тадқиқот марказини ташкил

этиш ташаббуси академик Восит Воҳидов – буюк жарроҳ, олим, соғлиқни сақлаш ташкилотчисига тегишли. Айнан шу ерда унинг тиббиётда юқори самарали натижаларга эришиш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун комплекс тадқиқот фаолиятини

олиб бориш зарурлиги ҳақидаги ғояси амалга ошди. У кўп бор вақт синовидан ўтди ва юқори баҳоланди. Президент Ислам Каримовнинг Фармониға кура, жорий йил 25 августда марҳум В.Воҳидовнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши олим хизматларининг навбатдаги эътирофи бўлди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий йўналтирилган сиёсатида аҳоли саломатлигини сақлашни ташкил этиш, ташхис ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам

умумреспублика тизимини яратиш катта ўрин тутди. Мақсади давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳа ривожланишига катта туртки бўлди. Унга мувофиқ мамлакатимизда йирик шифохоналар базасида ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этила бошланди.

Бугунги кўнда В.Воҳидов

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

Фермер хўжалиги:

ИСТИҚЛОЛ ТОМОН ЯНА БИР ҚАДАМ

Мустақиллик тақозоси билан мамлакатда бошланган иқтисодий ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор муносабатига мослаб тўбдан қайта қуришга асосий эътибор қаратилаётган бўлса, ушбу тармоқда фермерлик ҳаракатини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан собитқадамлик билан ривожлантириб боришга дастлабки қўнларданок ўстуворлик бериб келинмоқда.

«Ислохот қалдирғочлари» бўлган фермерларнинг тез оёққа туришлари, ўз фаолиятларини кенгайтириб боришлари учун ҳукумат томонидан кўплаб имтиёзлар ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратиби берилмоқда. Иккинчи томондан, уларнинг ҳақ-хуқуқлари қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмоқда.

Республика Президентининг яқинда қабул қилинган «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривож-

лантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони бу соҳада айниқса, йирик ва муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Унинг мазмун-моҳияти ва мақсади қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни «Фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги Қонун талабларига оғишмай амал қилган ҳолда ва келажақда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъекти бўлиб қоладиган фермер хўжалиқларини ўстувор ривожлантириш орқа-

ли жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришдан иборатдир.

Фармонда ўз аксини топган учта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Биринчидан, фермерларнинг ўз фаолиятларини эмин-эркин юритишлари учун ҳуқуқий шарт-шароит ва қарорларни яратиш, иккинчидан, қишлоқда фермер хўжалиқларининг эҳтиёжларига яраша барча замонавий хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва унингдан, бозор муносабатлари шароитида бизнесни бошқариш кўниқмаларини тўлиқ ва пухта эгаллаган фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассислари тайёрлаш тизимини яра-

(Давоми 2-бетда).



АСЛ МУЛҚДОР КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАЙДИ

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, «Танов нафақат Юқори чирчиқ тумани, балки вилоятда ҳам чорвачиликка ихтисослашган энг йирик фермер хўжалиқларидан бири. У янги ташкил этилган 1995 йилдаёқ 1000 бошга яқин қорамол боққиларди.

Утган саккиз йил давомида фермер хўжалигининг фаолияти ҳар жиҳатдан кенгайди. Аввало, мол туғини камайтирмаслик, сигирлар подасини зотдор ғўнажинлар ҳисобига тўлдириб бориш мақсадида фермада сунъий қочириб усули зооветеринария қоидалари асосида ташкил этилди. Бу ҳар ўз бош сигирдан ўртача 85 тача оғонм бузоқ олиш имконини бермоқда. Чунинчи, шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида олинган насл сонни 400 бошга қинлашиб қолди.

Фермада барча иш жараёнлари механизациялаштирилган. Минг бошдан зиёд қорамолни йил давомида тўйимли озуқа рациони билан боқиб мақсадида озуқа экинларидан мўл ҳосил олиш, чорва қишлоқ учун етарли ва сифатли озуқа захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Фермер хўжалигининг азёсо бўлган 200 кишининг ақсарияти шу иш билан шуғулланади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу йилги қишлоқ учун 2000 тонна силос, 290 тонна сенаж бостирилди. 300 тонна беда пичани, 200 тонна сомон, 400

тонна лавлаги тайёрланди.

Фермер хўжалиги 2002 йилда жами 200 миллион сўми даромад қўрди. Шундан 40 миллион сўми соф фойдага қолди. Жамоа ишлаб топаётган маблағлар аъзоларнинг турмуш даражасини оширишга, шунингдек, хўжалик фаолиятини янада кенгайтиришга сарфланмоқда. Масалан, соғувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 40 минг сўмга, молбоқарларники эса 30 минг сўмга етди. Ойлик маошдан ташқари улар учун бир қатор имтиёз ва моддий ёрдам тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, бу йил қурилиш ва таъмирлаш ишларига 6 миллион сўм сарфланди.

– Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони бизни янги мақсад-режаларга руҳлантирди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Роман Ким. – Келажақда, сутни қайта ишлайдиган замонавий технологияни ўрнатиб, Юқори чирчиқ, қолверса, қўшни туманлар аҳолисини сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ниятимизини рўбга чиқаришга астойдил киришмоқчимиз.

СУРАТДА: ферма муойри Маҳкам Сулаймонов ветеринария врачси Борис Шин билан молларни озиклантириш тартиб-қоидалари хусусида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

налар, ташкилотлар, хўжалиқлар ва муассасалар, тадбиркорлик тузилмалари жамоалари қатнашдилар.

Бажарилган иш ҳажми деярли 18 миллион сўмликни ташкил этди. 2150 тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш чиқиндилари, ахлатлар ташиб кетилди, хазонлар йиғилиб, компост қилинадиган махсус майдонларга тўпланди. 136,5 километр узунликдаги ариқ-зуювлар тозаланди. Экинган мевали ва манзарали дарахт қўчатлари сал кам 50 минг туга етди. 120 та мактабгача болалар муассасалари, 138 та бозорлар ободонлаштирилди. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисидан ажралган оилалар, яқна бош кексаларга инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди ва бошқа хайрия тадбирлари уюштирилди. Маҳаллаларда

учрашувлар бўлиб ўтди.

«Экосан» халқаро жамғармаси экологик хашарни анъанага мувофиқ республика Фаран академиясининг ботаника богида ташкил этди. Чунки, у жуда ноёб ўсимликлар дунёсига эга, улар жаҳоннинг барча қитъаларидан келтирилган бўлиб, тури тўрт ярим мингтадан ортиқдир. Мазкур шанбаликда ёзувчи ва шoirлар, давлат арбоблари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таниқли санъаткорлар, эколог-олимлар иштирок этидилар.

Вилоятимизда умумхалқ хашаридан тушган маблағ ижтимоий-экологик дастурларни амалга ошириш ҳамда вилоятнинг ижтимоий соҳадаги муаммоларини ҳал этиш мақсадига ишлатилади.

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2004 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

AZIZ D'OOSTLAR! Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

ЁШ ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШДА

Маҳалла мамлакатимизда азалдан шаклланиб келган ўз-ўзини бошқаришнинг самарали тизимидир. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз-ўзини бошқарувчи тизимнинг роли гоят муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади.

Фуқаролик жамияти куриш жараёнида маҳалланинг ўрнини ўрганиш мақсадида 2003-2006 йилги Давлат илмий-техник дастурига киритилган "Миллий истиқлол гоёсини амалиётга таъбиқ этишда маданият, маънавият, анъаналар ва менталитет асосида демократик тамойиллар таъминлашнинг миллий хусусиятларини ўрганиш номи лойиҳаси асосида Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти илмий гуруҳи аъзолари илмий экспедиция ташкил этиб, тадқиқот ишлари ўтказди. У АҚШнинг Евроосиё ва

Шарқий Европа тадқиқотлари миллий кенгаши – NCEER томонидан уч тарихчи олим – Ваймон университетини профессор Марианна Камп, Иллиной университетини профессор-антропологи Рассел Занка ва ўзбекистонлик тарихчи олим Элёр Каримов томонидан қўлga киритилган грант асосида олиб борилди. Тадқиқотлар ўтказишдан мақсад демократик ва фуқаролик жамияти куриш йўлида олиб борилаётган ислохотлар узоқ ҳудудларга қандай кириб борапти, маҳаллаларда демократик жараёнлар

қандай кечяпти ва ўтган асрдаги миллий тафаккурдаги дунёқараш билан ҳозирги даврда халқимиз онгидида шаклланаётган дунёқараш ўртасида қандай тадрижий ривожланиш бор, деган масалаларга муайян ойдинлик кiritишдан иборат эди, – деди Ёш олимлар миллий жамияти аъзоси Ш.Гаюпова. – Тадқиқот ижтимоий фанларнинг "oral history" – "оғзаки тарих" усули асосида олиб борилди. Бу усул бўйича илмий иш қилишнинг базавий асослари – турли материаллар тўплаш, экспедициялар уюштириш, ижтимоий соҳада қимматли маълумотларга эга бўлган тажрибали кишилар билан мулоқот қилишди.

Хулқар СОДИҚОВА, Ўза мухбири.

тиш масалаларига алоҳида урғу берилган. Зеро, бу ерда гап фермер хўжалиқларининг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини, уларга узоқ муддатга ижарага бериб қўйилган ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиши таъминлаш устида бормоқда. Янги фермоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда фермер хўжалиқларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг ўз вазифа ва бурчлари ижросига нисбатан масъулиятлари оширилган. Хусусан, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари, биринчи навбатда, пахта ва галла етиштиришга кетадиган сарф-харажатлар фермер хўжалиқлари томонидан қопланиши, унда электр қуввати, ёнилғи-мойлаш ашёлари, маъданли ўғитлар етказиб беришчи ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи ташиқлотлар билан ўз вақтида хисоб-китоб қилиниши қатъий белгиланган қўйилган. Бу тартиб-қоидага қамида уч йил давомида амал қилмай кел-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фермер хўжалиги: ИСТИҚЛОЛ ТОМОН ЯНА БИР ҚАДАМ

ган фермер хўжалиқларининг ерлари қайтариб олинмади ва ўзлари тарқатиб юборилди. Айтиш жоизки, Президентнинг ушбу Фермони ҳам ерни ижарага берувчи идоралар, ҳам фермер хўжалиқлари томонидан мамнуният ва манфаатдорлик билан қўйиб олинди. Айрим туманларда шартнома шартларини тўлиқ бажармаган фермер хўжалиқлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, улардан қайтариб олинган экин майдонлари ўзини тутиб олган, фаолиятини янада кенгайтиришга қурби етадиган фермер хўжалиқларига қўшиб берила бошланди. Хусусан, Қўйичиқчиқ туманида бешта фермер хўжали-

гига ўз фаолияти давомида шартнома билан ижарага берилган ердан оқилона фойдаланиб, ҳосилдорликни оширган, техника базасини ўз даромади хисобидан яратишга эришгани ҳамда бу йил давлатга пахта сотиш шартнома режасини муваффақиятли бажаргани учун қўшимча ер майдонлари ажратилиши тўғрисида фармойиш эълон қилинди. Унга мувофиқ туманнинг Улғабек номи ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Жаҳонгир», «Гулистон» хўжалигидаги «Шахвоз», «Меҳнатобод» хўжалигидаги «Эсон» ва «Неъмат», «Пахтачи» хўжалигидаги «Саид-Эркин» фермер хўжалиқларининг экин майдонлари 10 гектардан 18 гектаргача кенгайдиган бўлди.

Муҳими шундаки, ер ажратиш масаласи Президент Фермонида белгилаб қўйилганидек, ерлари қайтариб олинаётган фермер хўжалиқлари экин майдонлари хисобига ҳал этилиши фармойишда кўрсатиб ўтилган. – Туманимиз ҳокимининг Президент Фермони ижросига қаратилган ушбу фармойиш биз фермерларни гоёт руҳлантириб юборди, – деди «Жаҳонгир» фермер хўжалиги раҳбари Валижон Ҳакимқулов. – Энг муҳими, туман ҳокимияти фармойиш билан чекланиб қолмай, бизга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, юқоридаги фермер хўжалиқларига ер ажратиш ҳақидаги ҳужжат-

ларни тайёрлаш туман ер ресурслари хизмати зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, ҳокимлик фермер хўжалиқлари янги техника воситаларини харид қилишлари учун банкдан кредит олишларига ёрдам бераётир. Жумладан, Валижон Ҳакимқуловнинг экин майдони 20 гектарга етгани муносабати билан ўзида бор техникаси камлик қилиб қолиши табиий. Шу боис у «Белорус» трактори сотиб олмоқчи. Нархи – 11,5 миллион сўм экан. Бунга култиваторнинг қиймати – 2,5 миллион сўм ва севалка қиймати – 2,5 миллион сўм қўшилса, фермернинг қучи етмаслиги аниқ. Шу ўринда банкнинг муддатли кредити асослади. Валижоннинг ери 10 гектарликда 8 киши, бошқача айтганда, 5 та оила аъзолари ишларди. Энди у яна 10 кишини ишга олмоқчи. Демак, яна ўнта оила муҳим даромад манбаига эга бўлди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР - ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСОСИ

номидаги Жаррохлик илмий маркази жаррохликнинг бир қатор йўналишлари бўйича нафақат республикамиз ва Марказий Осиё минтақасида, балки МДХ мамлакатлари орасида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бу ерда ўз ишланмалари асосида ноёб операцияларни бажаришади. Биринчи навбатда, улар ҳаётий муҳим аъзоларни тикловчи жаррохликка алоқадор. Очик юракда операцияларни амалга ошириш билан бирга ишлаб турган, сунъий қон айлантириш тизимига уланмаган юракда ҳам операциялар, масалан аорткоронар шунтлаш амалга оширилмоқда. Бунда энг замонавий тиббий технологияларни қўллаш талаб этилади, бироқ жаррохлик аралашувининг самарадорлигини анча оширади.

нишини ўз вақтида ташхис қўйиш имконини беради. Марказ олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари янги йўналиш – лазер жаррохликка асос бўлди. Иختисослашган бўлим ходимлари тошкентлик иссиқлик физиклари билан бирга лазер нурланишининг ноёб манбаларини ва дунёда ўқшаши йўқ жаррохлик асбобларини яратишди. Ҳозир улар аргон лазерининг янги турини яратиб устида ишланмоқда. Бундай қурилма дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида бор. Уларимизда ҳам бу каби қурилманинг яратилиши жаррохларимизга жуда аниқлик тадбир қилган жаррохлик операцияларни ўтказиш имконини беради. Лазернинг таърифи намунаси муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Хисоб-китобларга кўра, бугун бундай операцияларга талаб жуда катта бўлиб, йилга 20-25 мингтага етади. Уларни бажариш бўйича асосий оғирлик В.Вохидов номидаги республика марказидир. Бу ерда ишлаб чиқилган унинг янги услубиятлари бугунги кунда жаҳонда машҳур бўлиб кетди. Уларни ўрганиш бир неча халқаро илмий-амалий конференциялар мавзуси бўлди. Тикловчи ва пластик соҳада ўз технологиялари яратилди. Улар микроскоп остида кўзга кўринмас энг кичик томиларини тикиш имконини беради. Рентген жаррохлик услублар, томиларни эндотелитезлашнинг ҳақон таърифидада устувор хисобланган ўзига ҳос услубиятлар ташкил этади. Дарвоқе, чет элда бундай операциялар бир неча баробар қиммат туради. Хар қим ҳам бунча пулни тўлаи оламсини хисобга олиб, Президент Фермонида кўра Марказда бепул хизмат кўрсатиладиган аҳолининг 9 тоифаси белгилаб қўйилди. Улар орасида – ногиронлар, ишламайдиغان нафақадорлар, ҳам таъминланганлар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари. Бундан ташқари Молия вазирлиги билан биргаликда даволашга муҳтож бўлган беморлар учун ҳам имтиёзли тарифлар ишлаб чиқилди. Улар қанчага тушишига қараб операция ҳақиқий қийматининг 8 фоиздан 40 фоизгачасини тўлайди. Яъни, харажатларнинг асосий қисминини давлат ўз бўйича олади.

Албатта, бундай операциялар қимматга тушади – ўртача беш миллион сўм. Бунда қийматнинг асосий қисмини бевосита юқори малакали тиббий хизматларга ҳақ тўлаш эмас, асосан бир марта ишлатилмаган ноёб ускуналар ва қурilmаларга кетган харажатлар ташкил этади. Дарвоқе, чет элда бундай операциялар бир неча баробар қиммат туради. Хар қим ҳам бунча пулни тўлаи оламсини хисобга олиб, Президент Фермонида кўра Марказда бепул хизмат кўрсатиладиган аҳолининг 9 тоифаси белгилаб қўйилди. Улар орасида – ногиронлар, ишламайдиغان нафақадорлар, ҳам таъминланганлар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари. Бундан ташқари Молия вазирлиги билан биргаликда даволашга муҳтож бўлган беморлар учун ҳам имтиёзли тарифлар ишлаб чиқилди. Улар қанчага тушишига қараб операция ҳақиқий қийматининг 8 фоиздан 40 фоизгачасини тўлайди. Яъни, харажатларнинг асосий қисминини давлат ўз бўйича олади.

Марказда жаррохлик ёрдамнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам илгор ҳалқаро мейёрларга жавоб берадиган ташхис ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилган. Бўлимлар ҳам хоризждан келтирилган, ҳам ўз мутахассислари томонидан яратилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, корин бўшлиғи операциялари эндиликда асосан лапароскоп ва эндовизуал ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Уларнинг афзаллиги – жароҳатланиш камлиги, шу сабабли бемор илгари жуда жиддий деб хисобланган операциядан 2-3 кун ўтган уйига кета олади.

Бу ерда дунёдаги энг йирик ва МДХ мамлакатларида ягона бўлган баромарказ фаолият кўрсатмоқда, унда килорд етишмаслиги билан касалланган беморларни даволашди. Компьютер томографияси, "гамма-камера" ва сўнгги авлод ультраовуш тизимлари қўлланилмоқда. Улар турли касалликлар ривожла-

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодийётимиз келажаги

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида Ўртачиқчиқ туманининг Гуябу-ғиз шаҳарчасидаги темир-бетон буюмлари заводининг махсус уюшмалари бунртмалар тузиши йил сайин қамқайиб борди. Оқибатда у бутунлай тўхтаб, биналари эса ҳувиллаб қолди.

Тадбиркор Абдурашид Раззоқов буни ҳар гап кўрганида шундай мустахкам биналарнинг бекор этишига ич-ичидан ачинарди. Наҳотки, уларда ишлаб чиқаришни барпо этиб бўлмаска? Бу савол уни кўп қийнади. Ниҳоят, таваккал қилди. Бу ерда кичик корхона ташкил этиш пайига тушди. Бўз тўқиш ва унга гул бошиш йўлга қўйишга қарор қилди. Унинг шу ҳақдаги тақлифи туман раҳбарларига ҳам маъқул бўлди. Ишлаб чиқариш жуда зарур бўладиган қон ашё маҳсулотлари билан савдо қилиниши бошланди. Маҳаллий кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш учун қўлай шароитлар вужудга келаятган дастлабки йилларда шу ишга киришган эди. У туманда биринчилардан бўлиб хусусий дўкон

ачин тажрибага эгаллиги бунда кўл келди. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш учун қўлай шароитлар вужудга келаятган дастлабки йилларда шу ишга киришган эди. У туманда биринчилардан бўлиб хусусий дўкон очди ва озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиниши бошланди. Маҳаллий аҳоли талабларини хисобга олган, дўконни кенгайтириш зарурлигини тушуниди. Туман матбуот хамияти қаршили савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оммавий тус олганда каттагина савдо шаҳобчасини ўз ихтиёрига олди ва аҳолига хизмат кўрсатиш лойиҳаси аниқ кенгайтирди. Шаҳобчада озик-овқат маҳсулотлари билан бирга саноат молларини сотиш уюштирилди. Дўкон пештахталари доим кестеьмол буюмларига тўлалиги, улар нисбатан арзон, кўп ва сифати дурустлиги билан харидорларни жалб қилади. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси республи-

камаида ишлаб чиқарилган. Дўкон жамоаси Россиянинг Олмаликдаги «Паллада Восток» шўба корхонаси, «Поёндоз» Ўзбекистон – Эрон қўшма корхонаси билан ҳамкорликни пухта ташкил этган. Уларда ишлаб чиқарилаётган гилам-шолчалар, лардоз буюмлари савдодан аримади. «Эр Йигитнинг кўнглида эгарланган от ётар», деган пурмаёи мақоли бор доно ҳокимизнинг. А. Раззоқов ҳам тадбиркорларга ҳос фазилатларга эга бўлиб, у доим изланишда, хизмат қўламини ва турини кўпайтириш пайида. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига тобора кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилаётганлигидан фойдаланиб, янги-янги режаларни амалга ошириш ниятида. У Тўйтепа

шаҳарчаси марказида замонавий тиббий муассаса – «Ташхис» шифохонасини очиб тараддудини бошлаб юборди. Айни вақтда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, унда янги маҳсулотларни тайёрлашни ўзлаштириш режаси ҳам бор. Бунинг учун у қатор чет эл сармоядорларини жалб қилмоқда. Чунонки, қийнда «Чехия клуб – 97» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Германиялик ишбилармонлар билан бирга ишлаш ҳақида келишилди. Айни кунларда Россиядан замонавий асбоб-ускуналар келтиришга киришилди.

Хусанбой АВВАЛОВ, Собир ҲАМИДОВ.

МАҲАЛЛА – АДОЛАТ МАСКАНИ

қариш, ободонлаштириш, аҳоли билан мулоқотда бўлиш шунчалик қийинлашмади. Агарда маҳалла аҳолиси ўз ҳудудидаги хонадон ва фуқароларнинг яқиндан танимаса ёки фуқаролар ўз оқсоқолини яхши билмаска, демак, у ҳақиқий маҳалла эмас. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган бўлишидек, маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгариши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органиларининг ташаббусларига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органилари томонидан амалга оширилади. Айрим ҳолларда ана шу ташаббус, хоҳиш ва истаклар эътиборга олинмаслиги натижасида қатор маҳаллаларнинг номлари ва аъзолари тарих саҳифасидан тушиб, унутилиб кетмоқда. Улар асосий гузар ва идоралардан анчагина узоқлашиб қолмоқдалар.

лаб, аҳолиси ўн мингдан ортадиган хар жиҳатдан обод қилиб қўйилган ваъла маҳаллалар бор. Ва, аксинча, 300-400 хонадонли, аҳолиси уч мингдан ортадиган, ўртача фаолият кўрсатаётган маҳаллалар ҳам мавжуд. Беш юздан ортиқ оиласи бўлиб, мақомига тўри келса бас, барчасига баробар бир бил маош тўланаверади. Бизнингча, маҳаллаларда тўланадиган ҳақ бажарилган ишларнинг ҳажми, салмоқи ва сифати қараб, юқори, ўрта ва қуйи тоифалар асосида жорий этилса, ижтимоий адолат таъмоийли тўлиқ қарор топади. Бундан ташқари, ҳозиргача жамоатчилик йўли билан ишлаб келаятган маҳаллалар ҳам маош олувчилар қаторига ўтишлари мумкин.

Яна шунинг оқибати эътироф этишимиз керакки, қишлоқ жойлардаги маҳаллаларнинг бевосита раҳбари ким? Туман ҳокимлигимиз, «Маҳалла» жамағатининг туман бўлими, қишлоқ фуқаролар йиғинини ёки ширкат хўжалигини? Масалан, бизнинг маҳаллаларимизга фақат Тошкент тумани ҳокимияти ва ширкат хўжалиги моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаётгани учун уларни маҳаллаларнинг бевосита раҳбари, жонқуяри ва ҳомийси дейишга ҳақлимиз.

Иккинчи бир таажубли ҳолат: 300-400 хонадонли бор битта маҳаллада тўрт ҳодим, ҳудудида 5-6 та маҳалласи бор қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам 4-5 ҳодим ишласа-да, бутун бошли тумандаги 60-70 маҳаллага бор-йўри битта одам раҳбарлик қилса? Ниҳоят, ҳисобот ва сайлов жараёнида яна бир нарсасга жиддий эътибор берилишини истардик. Биз кўпинча маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилардан ишчанлик, ташаббускорлик, фидойилик, масъуллият ҳақида жавобгарликни фазилатларини кутамиз. Лекин, фуқароларнинг масъулияти, жавобгарлигини ошириш маъсул эканлиқларини тўлиқ ҳис этмоқлари зарур. Кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорларни бажаришда масъулиятни ҳис этиш, ахиллик ва иноқле кўп гапирмайди. Лекин, ана шу адолатпарварлик таъмоийли маҳалла оқсоқоллари, котиб, посбон ва мураббийлар ўртасида тўлиқ амал қилинганми?

«Ватан туйғуси» китобининг «Маҳалла» бобида шундай бир ибора келтирилди: «Шариат бўйича хар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондан қирқтадан хонадон жами 160 хонадон қўшни мақомидадир. Қўшнинг қўшига шариий ҳақи бор. Қўшни муслмон бўладими ёки гайридин бўладими қўшничиликда бунинг аҳамияти йўқ. Қадимги маҳаллаларимизнинг 150-200 хонадондан иборат бўлиши балки шундандир.

Агарда маош тўлаш эмас аксинча қўшничилик таъмоийлилардан келиб чиқиб хар бир маҳалла хонадонларининг сонини 250-300 дан оширмаган ҳолда ташаббускорлик ҳолда ташаббускорлик этилса бошқарув, фуқароларни бир мақсадга қовуштириш, ободонлаштириш, маданий, маърифий ва тарбиявий ишларни жонлантириш янада яхшиланади, деб ўйлайман.

Ижтимоий адолат ҳақида кўп гапирмайди. Лекин, ана шу адолатпарварлик таъмоийли маҳалла оқсоқоллари, котиб, посбон ва мураббийлар ўртасида тўлиқ амал қилинганми? Албатта, йўқ. Республикада хонадонни минг-

Албатта, йўқ. Республикада хонадонни минг-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эркин ҲУЛОМОВ, Тошкент туманидаги Ашир Навоий номи маҳалла оқсоқоли.

ЭР ЙИГИТНИНГ КЎНГЛИДА...

Ишбилармоннинг саб-харақатлари билан собиқ темир-бетон буюмлари заводи биноларининг бирини яна қайноқ меҳнат нафаси эса бошлади. Энг муҳими, 23 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди ва улар ўзларининг доимий даромад манбаларига эга бўлдилар.

Абдурашид Раззоқов хусусий тадбиркорлик соҳасида озми-кўпми му-

борот-маслаҳат маркази тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиб, таъсис ҳужжатларини тайёрлашда ёрдамлашмоқда. Бу, айниқса, тадбиркорларни ўқитиш, уларни замонавий бизнес қодалари ва имкониятлари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратаётганимиз. Бунинг учун турли ўқув курслари ташкил этмоқдамиз. Тадбиркорлар ўзларини қизқитибан муаммолар юзасидан хамиша батафсил ва малакали маслаҳат олишаёпти. Натижада туманимизда хусусий тадбиркорлик ривожланиб, хизмат кўрсатиш маданияти ошиб бораётир.

Комилжон СИДИҚОВ, Бўстонлиқ туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси.

БАРАКА – ҲАРАКАТДА

Аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни яхшилашда тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида ўрин тутишини ҳаётининг ўзи кўрсатмоқда.

Айниқса, бизнинг Бўстонлиқ туманимиз шаҳарчида олис тоғ қишлоқлари аҳолисини, хусусан, қурилиш ва кундалик истеъмол маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари билан таъминлаш хамиша муаммо бўлиб келарди. Буни чуқур қилиб қилган гайрат-шижоатли, ташаббускор кишилар Соилқ, Сижақ, Бурчмулла ва бошқа қишлоқларда хусусий фирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этиб, ишлаб чиқариши ва савдо-сотикни кенгайтираётирлар. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Ғазалкент шаҳри ва қишлоқларимизда 89 та микрофирма, бешта кичик ва битта ўрта корхона янгидан фаолият бошлади. Эндиликда туманимизда бундай корхоналар 905 тага етди. Уларнинг туман умумий ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажимиди улуши 63,2 фоизни ташкил этмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида 3400 дан ортиқ киши меҳнат қилаётир. Бугунги кунда туманимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш борасида самарали иш олиб бораётган тадбиркорлик корхоналари ва микрофирмалар оз эмас. Улар сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб ном қозонишга ва табиийки, барқарор мўмай даромад олишаёпти. Чунонки, Фатхулла Аҳмедовнинг «Ўзинг ясаб ол» фирмаси хилма-хил қурилиш ашёлари ишлаб чиқариб, қишлоқларга етказиб бермоқда. Ориф Юнусов раҳбарлигидаги «Сарбон» фирмаси ҳам уй-жой ва бошқа биналар, турли иншоотлар қураётган кишилар эҳтиёжини хисобга олиб, маҳсулот турини кўпайтираётир. Ҳозир бу фирма қурилишларга деворларни кўтариш ва суваши, бино пойдеворларини қўйиш, йўлқалар барпо этишда ишлатиладиган

Турсунова истеъмол бозорини мунтазам ўрганиб боради ва қандалат маҳсулотлар турларини шу асосда ўзгарилади. Лекин, маҳсулот сифати хамиша диққат марказида бўлади. Шу боис, «Холис-савдо» ноэ-незматлари дўконларда ортик туриб қолмайди. Маълумки, хар қандай тадбиркорлик ташаббуси ўз вақтида ва зарур даражада қўллаб-қувватланганлигидагина муваффақият қозонади. Бунда ҳам молиявий, ҳам ҳуқуқий-ташқил қўллаб-қувватлашнинг ўз ўрни бор. Шу йилнинг саккиз ойда ўрта ва кичик бизнес субъектлари 349,9 миллион сўм кредит олишлари учун ёрдам кўрсатилди. Бу маблағларнинг асосий қисми янги техника ва технологияларга, иш жойларини кенгайтиришга сарфланди. Айни пайтда палатаимизнинг ах-

борот-маслаҳат маркази тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиб, таъсис ҳужжатларини тайёрлашда ёрдамлашмоқда. Бу, айниқса, тадбиркорларни ўқитиш, уларни замонавий бизнес қодалари ва имкониятлари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратаётганимиз. Бунинг учун турли ўқув курслари ташкил этмоқдамиз. Тадбиркорлар ўзларини қизқитибан муаммолар юзасидан хамиша батафсил ва малакали маслаҳат олишаёпти. Натижада туманимизда хусусий тадбиркорлик ривожланиб, хизмат кўрсатиш маданияти ошиб бораётир.

Комилжон СИДИҚОВ, Бўстонлиқ туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси.



Янгийўл шаҳрида бир неча йиллардан бунён кишилар хожатини қараётган уста – Абдумажид Асроров пойабарат таъмири билан шуғулланади. – Хунарли киши ҳам бўлмайди, – дейди Абдумажид ака. – Фақат уни астойдил ўрганиши, сир-синоатларини кунт билан эгаллаш лозим.

Исломожон ҳам ота изидан бормоқда. У пойабаз таъмирлаш сирларини отасидан ўрганаёпти. **СУРАТДА:** Абдумажид Асроров ва фарзанди Исломожон иш устида. **ДАВРОН АҲМАД** огаи сураат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

А.ИВАНОВА, Ўза мухбири.

Истеъмолчи ҳуқуқлари муҳофазада

ТЕКШИРИШЛАР НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг руҳсатномаси билан вилоят ҳудудидаги «Ўзқурилишматериаллари» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи етти та корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Қонунларнинг талабларига риоя қилиниши бўйича текшириш ўтказди.

Бу корхоналарнинг деярли барчаси маълум бир қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича вилоят ҳудудида монополистик даврга эга бўлиб, текширишларни ўтказишда асосий мақсад товар бозорларида соғлом рақобат муҳити яратилишига қўмаклашиш, устуллик қилувчи корхоналарнинг рақобатга зид ҳаракатларининг олдини олиш билан бирга истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эди.

Жумладан, «Охангаронцемент» очик турдаги акциядорлик жамияти вилоят ҳудудида цемент, минерал момиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича монополистик корхоналар давлат реестрида туради. Корхона ҳозирги кунда йилига 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқармоқда ёки ишлаб чиқариш қувватидан 58-60 фоиз фойдаланилмоқда. Технология аниқ эскирилганлиги, ишлаб чиқариш учун зарур ҳисобланган газнинг кузги-қишқи мавсумда пазаси, технологиянинг узок вақт таъмирлаш учун тўхтаб туриши бунинг асосий сабабларидир. Лекин шунга қарамай, корхона 2001-2002 йиллар ва 2003 йилнинг биринчи чорагини соф фойда билан яқунлади.

«Чирчиқгашт», «Ангренцемент» акциядорлик жамиятларида ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Ангрен шаҳар «Кулол» очик турдаги акциядорлик жамияти тиббиёт ва қурилиш гипслари ишлаб чиқариш бўйича монополистик корхона бўлиб, бу ерда ҳам ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда.

Олмалик шаҳридаги «Олмалиқгашт» очик турдаги акциядорлик жамияти гишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш билан шуғулланади. Корхона томонидан 2001 йилда 377425,0 минг сўмлик, ўтган йили эса 346007,0 минг сўмлик маҳсулот сотилган бўлиб, 2001 йили 510,0 минг сўм, 2002 йили эса 148,0 минг сўм соф фойда билан яқунлаган. Бунга асосий сабаб «Олмалиқгашт» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг 2002 йил 21 январдаги йиғилиши баённомасига асосан «Олмалиқ гиштчиси» шўба корхонасини ташкил этиш тўғрисида қарор бўлди. Бу шўба корхонаси Олмалик шаҳар ҳокимининг 2002 йил 26 февралдаги 76-сонли қарорига асосан рўйхатдан ўтказилган. «Олмалиқгашт» очик турдаги хиссадорлик жамияти 2002 йил 1 апрелдаги шартномага биноан ўзининг гишт ишлаб чиқариш цехини унинг асосий фонлари ва механизмлари билан биргаликда «Олмалиқ гиштчиси» шўба корхонасига ижарага берган.

Огир молиявий ҳолатларга қарамаздан, текширилган корхоналарнинг барчасида қонун бузилиши қайд этилган. Аниқланган камчиликларнинг аксарияти «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 7-, 14-моддалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги қарори талаблари бузилиши, яъни белгиланган тарифларни тўғридан-тўғри ошириб қўллаш, нархларни шакллантиришда зарурий фойда миқдорини ошириб кiritиш, шунингдек, тарифларни шакллантиришда амалда қўлиммаган иш, хизматларнинг қийматини ишлаб чиқариш харажатларига қўшишдан иборат бўлган.

«Охангаронцемент» очик турдаги акциядорлик жамиятининг 2002 йил 29 мартдаги 12-сонли буйруғи билан жамият тижорат хизмати негизда «Охангаронцемент тижорат департаменти» шўба корхонаси ташкил этилиб, алоҳида юридик шахс бўлиб ажралиб чиқди. Лекин, жамиятнинг 2002 йил ноябрдаги буйруғига мувофиқ, «Охангаронцемент тижорат департаменти» юридик шахс сифатида тугатилган ва жамият таркибига яна қўшиб юборилган. Хар икки ҳолатда ҳам корхона монопол даврга эга бўла туриб, монополияга қарши давлат органининг розилиғи олинмаган ва бу билан мажбур қонуннинг 14-моддаси бузилишига йўл қўйилган.

Текширув ўтказилган корхона ва ташкилотларда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси уч ҳолатда, 6-моддаси уч ҳолатда ва 11-моддаси бир ҳолатда бузилган.

Шунингдек, «Охангаронцемент» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли фир-

ма дўконда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Сотувдаги мавжуд маҳсулотларга нархнома, хизмат кўрсатиш тартиби ва кўрсатилган хизматлар ҳақида маълумот бўлмаган. Бу билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-6-моддалари бузилишига йўл қўйилган. Бундан ташқари дўконда цемент маҳсулотлари қопларда кафолат муддати кўрсатилмаган ҳолда сотилаётганлиги, бу билан қўриқдаги қонуннинг 11-моддаси бузилишига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Қонуннинг бузилиши, корхоналарда декларация нархларини тўғридан-тўғри ошириб қўллаш натижасида 5913,1 минг сўмлик асоссиз даромад олинганлиги ҳам маълум бўлди.

Жумладан, «Чирчиқгашт» акциядорлик жамияти томонидан 2001 йил май ойида ишлаб чиқарилган гишт маҳсулотининг нархи молия бошқармасида хар минг донаси учун 16 минг 200 сўм қилиб тасдиқланган. Лекин, корхона 2001 йил май ойида 8 минг дона гишт маҳсулотини хар минг донаси учун 3 минг 800 сўмдан, жами 30 минг 400 сўм ортқича даромад олган. Олти ҳолатда шундай камчиликлар аниқланди. Умумий ҳатоллик миқдори 801,4 минг сўмни ташкил этди.

«Охангаронцемент» бўйича вилоят молия бошқармаси томонидан 2001 йил 1 январда ПЦ-400-Д-20 маркали цементнинг бир тоннаси учун 11 минг 250 сўм нарх белгиланган эди. Хисоб-китоб ҳужжатлари ўрғаниб чиқилганида эса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1995 йилда рўйхатдан ўтган «Ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва хизматларга шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларни белгилаш ҳамда тақдим этиш тўғрисида»ги Низом талабларига зид равишда 1886,0 минг сўмлик маъданли момиқ маҳсулоти учун қозғо харажати, 3052,0 минг сўмлик ободонлаштириш харажати, 12,0 минг сўмлик консалтинг харажатлари, 1665,4 минг сўмлик чикиндилар билан ифлослан-тириш солиғи харажатлари зарурий фойдада нархчи шакллантиришда ҳисобга олинганлиги аниқланди. Ҳолбуки, ушбу харажатлар Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1995 йили рўйхатдан ўтган 4/5-сонли низомнинг 1-сонли қўшимчасига мувофиқ ҳисобот давридаги соф фойда ҳисобидан қопланиши керак эди. Текширишда цемент маҳсулотларини шартномавий (эркин) нархлари — юқоридаги асоссиз киритилган харажатлар маҳсулот нархидан чегириб қайта шакллантирилганда бир тонна ПЦ-400-Д-20 маркали цементнинг нархи 12381,0 сўмни ташкил этди ёки бир тонна учун нарх 87,0 сўмга ошириб шакллантирилган.

Бу каби камчиликлар ҳисобига 2001-2002 йиллар давомида ҳамда 2003 йилнинг биринчи чорагида «Охангаронцемент» очик турдаги акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчилардан жами 76543,3 минг сўмлик асоссиз ошқича даромад олинганлиги маълум бўлди. Ангрен шаҳридаги «Кулол» акциядорлик жамиятида ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилиб, 166,7 минг сўмлик асоссиз даромад олинган.

Текшириш натижалари ҳудудий бошқарманинг махсус комиссияларида қўриб чиқилди. Аниқланган қонун бузилишининг барча ҳолатлари юзасидан 7 та кўрсатма киритилди. Шунингдек, етти та текшириш натижасида аниқланган монопол маҳсулотлар нархларини нотўғри шакллантириш ёки асоссиз ошириш эвазига олинган жами 82 миллион 702,8 минг сўмлик ортқича даромад амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда 100 фоиз ҳаримаси билан 165 миллион 405,6 минг сўм миқдорига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Нархларни бошқариш жамғармаси» учун индириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ҳусусда тегишли кўрсатмалар берилди. Уларнинг бажарилиши устидан ҳудудий бошқарма томонидан назорат олиб борилмоқда.

Фарид ҲУСНИЁРОВ,
Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси назорат бўлимининг бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳам-корчилигида «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси — илмий тадқиқот фаолиятини тақомиллаштиришнинг асосий омилли» мавзусидаги илмий-амалий семинар-кўргазма ташкил этилди.

Қарор ва ижро

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАНИНИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга қақаришини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан маҳсулотини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганга бир йил тўлди.

Мажбур қарорда, жумладан, ҳарбий хизматга қақаришга жамоат ташкилотлари жиб қилиш ва бундай тақбирларга кенг ижтимоий аҳамият бахш этиш, ёшлар армия хизматиға маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техники хизматдан тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига ушбу қарор талабларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг қўламада иш олиб борилмоқда, — деди фуқароларни мударли ҳарбий хизматга қақариши ташкил этиш ва ўтказиш назорат қилиш бўйича Республика комиссияси аъзоси, ташкилот марказий кенгаши раиси Абдулазиз АБДУҚАҲОРОВ. — Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, республика ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Ёшларни ҳарбий хизматга маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техники хизматдан тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш» дастури шулар жумласига кирди.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатимиздаги барча қақарув пунктлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватан мудофаасига оид моддалари, янги тақбирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг сафарбарлик қақарув резервидаги хизмат ҳақида, мударли ҳарбий хизмат, шартнома бўйича хизмат,

Интеграция — тараққийёт омилли

Икки кун давом этадиган мажбур тақбирда фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида узвийлиқни таъминлаш ва илмий-тақдиқот ишлари савиясини оширишга оид маърузалар тингланди.

Мамлакатимиз илмий ва технология салохиятини янада ривожлантиришга қўлай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда ислохотларнинг стратегия вазифа ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда илмий тақдиқотлар ва технология ишланмалари тақбираси, сифати ва самарадорлигини оширишга катта эъти-

бор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий тақдиқот фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониға биноан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий техника тараққийётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузурида Фан ва технологиялар маркази ва йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилди.

Илмий-тақдиқот ҳамда технология ишланмаларини ташкил қилиш ва молиялаштиришнинг грант тизимини яратиш

ва иланишлар савиясини жаҳон талаблари даражасига қўтариш вазифаси белгилаб берилди.

Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бақарилаётган фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларининг амалға оширилиши маниторинги ўтказилиб, унда Тошкент, Андижон, Бўқоро, Фаргона, Самарқанд шаҳарларидаги 38 илмий муассасада давлат грантлари асосида олиб борилаётган 486 илмий лойиҳанин бақарилиши ўрганилди. **Ў.А.**

Оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг доимий диққат марказидадир.

АМБУЛАНС — САФАРДА

Булми қошида малакали шифокорлардан иборат доимий ҳаракатдаги тиббий патронаж гуруҳи фаолияти йўлга қўйилган. Бу гуруҳ қатъий режаға асосан вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб, оналар ва болаларни тиббий қўриқдан утказмоқда. Уларға маслаҳат бериб, бепул дори-дармонлар тарқатмоқда. Шулнингдек, айрим беморларға республика шифохоналарида саломатлигини тиклаш учун йўланмалар берилади.

Утган ҳафтада жамғарманин тиббий патронаж шифокорлари Янгийул шаҳрида бўлишди. Улар аҳоли истиқомат жойларида 200 га яқин оналар ва болаларни тиббий қўриқдан утказди. Қон босими, ошқозоничак касалликлари, бўқоқ, камқонлик касалликлариға қарши дори-дармонлар тарқатилди.

— Янгийулликлар, айниқса, терапевт Муҳаббат Орипова, болалар шифокори Маммадат Аъзамовлардан беҳад миннатдор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими раиси Бақтиёр Мирзаалиев. — Чунки, улар ҳар бир она-бола билан ҳушмуомалда бўлиб текширилади. Аниқ тақбир қўядилар.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

«НИКОХ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН»

Ангрен шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбати шв мавзуга бағишланди.

Унда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳданувчи шахсларни тиббий қўриқдан утказиш бўйича Низомнинг аҳамияти, унда белгиланган чора-тақбирларни тушунтириш ва тарғиб этишининг йўл-йўриқлари атрофлича муҳофаза қилинди.

Давра суҳбатида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, марказий шифохона шифокорлари, маҳалалар оқсоқоллари ва фаоллари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва қатор бошқа идоралар ходимлари иштирок этдилар.

Жасур ҲУСАНОВ.

ЗОБИТЛАР УЙИДА АНЖУМАН

Тошкентдаги марказий зобитлар уйида Мудофаа вазирлиги ходимлари ҳамда журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда ҳозирги кунда матбуотда эълон қилинаётган, ҳарбий хизматга қақарув жараёнида тайёрланган мақолаларга оид камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий

ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг моҳиятини кенг оммаға етказиш бора-сида ҳам тақбирлар бўлди. Булар қаторида мударли ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчилар



ҲОЗИРЧА ҚИРҚТА

Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги ҳамда «Газтаъминот» идорасининг савий-ҳаракатлари билан тумандаги Қора-тухум кишлоғиғача 2350 метр узунликда газ қувурлари тортилиб, кишлоқ ақли зангори олов билан таъминланди.

Айни вақтда кишлоқдаги 40та хонадон газдан фойдалана бошлади. Йил охириғача эса, яна юзта хонадонни газлаштириш режалаштирилган.

Ҳақим ЖАМИЛОВ.

қарши эмланади. Бундан ташқари қўшни мамлакатларға бевосита чегарадоғ туманлардаги яна шунча аҳолиға профилактик чора сифатида қўшимча дори-дармонлар тарқатилди. Қачондир бу касаллик билан оғриган одамлар рўйхатға қўйилган бўлиб, мунтазам равишда тиббий текширувдан ўтказилди.

Таъкидлашни истардимки, мавжуд вазиятда ташвишга ўрин йўқ. Республика санитария-эпидемиология хизмати ҳужуматимиз қўмағида инфекциянинг олдини олишға қаратилган барча зарур чораларни кўрмоқда. Шундай бўлса-да, аҳоли ўртасида ич терлама ва паратифоз касалликлардан сақланиш йўллари тушунтирилмоқда.

Ў.А. ИВАНОВА
суҳбатлашди.

«ТМЗ МЕВА САБЗАВОТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 20 ноябрь кунли соат 10.00 да «ТМЗ Мева Сабзавот» ОТХЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади. Манзил: Янгийул шаҳри, И. Урозов кўчаси, «ТМЗ Мева Сабзавот» ОТХЖ биносиди.

Акциядорларни рўйхатға олиш 9.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:
1. «ТМЗ Мева Сабзавот» ОТХЖ мол-мулкни қриқиб олиш ва қриқилган патокаси ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида «Ўзсаноатқурилиш» банкидан кредит олиш учун гаровға қўйиш.
КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ОАЖнинг МЧЖға айлантирилиши муносабати билан «Toshkent viloyat kitob savdo va ta'minoti» ОАЖ акциядорларидан 18 ноябрга қадар акцияларни ташкилот бухгалтериясига топширишларини сўраймиз.

«Toshkent viloyat kitob savdo va ta'minoti» ОАЖ маълум қилади:

2003 йил 19 ноябрь маҳаллий вақт билан соат 15.00 да таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қўйидаги манзилда ўтказилади. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 7-уй.

Кун тартиби:
1. «Toshkent viloyat kitob savdo va ta'minoti» МЧЖ Уставини тасдиқлаш.
2. «Toshkent viloyat kitob savdo va ta'minoti» МЧЖ таъсис шартномасини тасдиқлаш.
3. «Toshkent viloyat kitob savdo va ta'minoti» МЧЖ муҳр ва штамп эскизларини тасдиқлаш.

Касаллик йўлида мустаҳкам ҒОВ

Ер шариди инсон соғлиғиға хавф тўғрисидадан кўзга қўриқмас қўлаб микроблар бор. Ич терлама таёқчаси ҳам ушбу микроблар сирасиға кирди. Вақти-вақти билан мажбур касаллик турли мамлакатларда тарқалиб туради.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган хабарға қўра, бугунги кунда Тожикистон пойтахти Душанбеда ана шу касаллик тарқалиши кузатилмоқда. Кузнинг бошида ич терлама касаллиги бор, деб гумон қилинган 700 нафардан ортиқ киши касалхоналарға етказилди. Уларнинг 265 нафариди ташхис ўз тасдиғини топди. Душанбеда даволан муассасалариға ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлар сонин ҳақ кўни ортиб бораёттир. Шаҳардаги тиббиёт

хизматлари шифохоналарини ушбу хасталикка қалинган беморларни қабул қилиш учун ихтисослаштиришға мажбур бўлди. Мамлакатимиз Тожикистон билан чегарадоғ, поевзлар мунтазам қаташиб туради. Шу муносабат билан республикамизға ушбу инфекциянинг кириб келиши хавфи туғилди. Бунинг олдини олиш чора-тақбирлари ҳақида Республика Бош давлат санитария шифокори, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Бақтиёр Ниёматов қу-

йдигиларни сўзлаб берди. — Ич терлама оқумли хавфли касалликдир, яъни, қачондир бу касалликка учураган беморларнинг 4-7 фоизи уларни соғлом бўлса-да, ич терлама таёқчаларини юқтириши мумкин. Душанбе шаҳрида инфекциянинг тарқалиши айнан шу нарса сабаб бўлган. Бундан ташқари мутахасссларнинг фикрича, касаллик сифатсиз ичимлик сувини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудиға ич терлама кириб келишининг олдини олишға қаратилган барча чора-тақбирлар қўрилмоқда. Улар бир неча кун олдин бўлиб ўтган Республика эпиде-

мияға қарши фавқуллода комиссиясининг мажлисида муҳофама қилинди. Биринчи навбатда чегара постларида ўз бўлимчаларига эга вазирлик ва идораларға аниқ топшириқлар берилди. Таъкидлашни жоизки, ич терлама касаллиги ўзини тезда намоён қилади. Унинг клиник белгилари тана ҳароратининг бир неча кун давомида юқори бўлиши, эпизодлар оғриқлар, ҳолисла-ниш, қоринда тошма тошишидир. Назорат пунктларининг барча ходимлари, поевзлар ноизилари касалликнинг ушбу белгилари ҳақида хабардор қилинди.

Хар йили республикамиз аҳолисининг 1 миллион 200 минг нафари ич терламаға

Ташриф якунланди

Афғонистон Ушш Ислоҳ Давлати транспорт вази Сайид Муҳаммад Али Жовид бошчилигидаги хайъатнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоятга етди.

Афғонистонда давом этаётган тикланиш жараёнида мамлакатимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, транспорт соҳасида ўзбекистонлик мутахассислар томонидан қўшни халқ замининда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мозори-Шариф — Кобул йўналишида 9 та янги кўприк фойдаланишга топширилди. Йўлсозлик ва темир йўллари бунёд этиш борасида музокаралар олиб борилди.

Афғон хайъатининг мамлакатимизга ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни янги поғонага кўтариш масалалари муҳокама этилди. Афғонистон хайъати ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов, Ташқи ишлар вазири С.Сафоев билан учрашди. Шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекистон хаво йўллари» компаниялари ҳамда

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигига ташриф буюрди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, икки давлат ўртасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Термез ва Мозори-Шариф шаҳарларида икки давлат автотранспорт муассасалари ваколатхоналарини очиб, Тошкент-Кобул йўналишида парвозларни йўлга қўйиш, мамлакатимизда Афғонистон хаво кемаларини таъмирлаш, ёш афғон мутахассисларини юртимиз таълим муассасаларида малака ошириши масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

«Жаҳон» АА.

Biz va Jahon

Ўзбек тўни кийдирилди

Бельгия пойтахти Брюсселнинг ўзига хос рамзи — бронзадан ишланган жажж-жи кичкинтой қиёфасидаги фавора «Манекен пис» шаҳарнинг энг томошагоҳ ёдгорликларидан бири сифатида ҳар йили қўллаб қўйишлари ўзига жалб этади.

1619 йили бунёд этилган мазкур хайкалча Бельгия халқининг фахр-ардоғи бўлиб, унга махсус либос тикиш бир неча асрлардан буён миллий анъанага айланган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўзларининг миллий кийимларини Брюсселнинг «Манекен пис» музейига тўхфа этишган. Бугунги кунда ушбу музейда жаҳон халқларининг 700 дан зиёд либослари сақланмоқда.

Яқинда музей учун яна бир янги либос — Ўзбекистон миллий театри тижув-чилик устaxonасида махсус тикилган ўзбек миллий тўни тўхфа этилди. Шу муносабат билан Брюссель шаҳар ҳокимиятининг кўна қабуллар залида мазкур сов-

гани тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Расмий маросимни «Манекен пис» дўстлари ассоциацияси раиси Ги Луазо жонбонлари ўзбек тилидаги «ассалому алайкум» каломи билан очди.

Брюссель ҳокими ўринбосари Брюно де Лиль шаҳар маъмурияти Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасининг ўзбек тўнини «Манекен пис» ёдгорлигига тўхфа этиш ташаббусини катта иштиёқ билан қўллаб-қувватлаганини таъкидлаб, бу саховат замирида икки мамлакат ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилиш мавжудлигини эътироф этди.

Ж.МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

Кўргазмада санъат асарлари

Япония марказидаги Гунма префектурасида Марказий Евроосиё клуби, Ўзбекистон Бадий Академияси ва мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ҳамкорлигида ўзбек халқ амалий санъати кўргазмаси уюштирилди.

Сўнги йилларда ушбу префектурада — ўзбек киноси кунлари, Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси, юртимизнинг кўна тарихига бағишланган ўқув-семинар, кулолчилик ва тўқимачилик кўргазмалари ўтказилиб, кўпчилигининг эътиборини жалб этди.

Навбатдаги кўргазмада тақдим этилган Маргилон атласлари, Самарқанд ва Бухоро сўзаналари, камалак рангли духобалар ҳамда Риштон кулолчилиги намуналари киши кўзини қамаштиради. Хусусан, кўна ўзбек тўқимачилигининг бой анъаналари асосида қайта яратилган пахта ва ипак матолари ҳар бир томошабинда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Муста-

қиллигининг 12 йиллигига бағишланган ушбу тадбир доирасида таниқли ўзбек рассоми Т. Қўзиевнинг фото-кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Лавҳаларда акс эттирилган асрий анъаналаримиз, оддий устачилиқни катта санъат даражасига кўтарган уста боболар ҳамда кўли гул моомлар образлари япониялик томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Яқин келажакда айнан ушбу кўргазма экспонатлари билан Япониянинг бошқа йirik шаҳарлари — Токио, Осака, Киото ва Нара аҳолисини ҳам таништириш режалаштирилган.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА.
Маебаша — Япония.

ҚАДИМИЙ САЊЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ҳиндистон тасвирий санъатининг қадимий йўналишларидан бири — Мадхубани кўргазмаси очилди. У мазкур академиянинг Ҳиндистон элчихонаси ҳамда Ҳинд маданият маркази билан ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мадхубани асрлар давомида Ҳиндистонда ривожланиб келаётган санъат тури бўлиб, бу йўналишда асосан хотин-қизлар шугулланади.

— Ҳеч қайси халқнинг маданияти, санъати бошқа халқлардан айри ҳолда ривожланмайди,— деди Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти директори Акбар Ҳақимов. — Шу жиҳатдан мадхубани санъатида ҳам миллий каштачилигимиз, айниқса, унинг Гиждубон мактабига оид тасвир элементларини, нақшларни кузатиш мумкин. Мадхубани асарлари ҳинд халқининг бой оғзаки ижодий мероси ва диний-фалсафий дунёқарашини ўзида фойдалагани билан ҳам бетакрордир.

У.А.

МИСР УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕК ТИЛИ

Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошида фаолият кўрсатаётган маданият маркази яхши ташаббус билан чиқди. Марказнинг саъй-ҳаракати билан Тошкент Давлат педагогика университети ва Мисрдаги Хелван университети ўртасида ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан ҳар икки олий ўқув юрти орасида узоқ мuddатли шартнома тузилди. Хелван университети делегациясининг Тошкент давлат педагогика университетига учрашуви чоғида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини таъминлашга қаратилган яна кўпгина масалалар кўриб чиқилди.

Илмий, ўқув-усуlubий алоқаларни кенгайтириш билан бирга ўзбек ва араб тилларини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Эндликда Тошкент педагогика университетига араб тили, Хелван университетига ўзбек тилидан ўқув машғулотлари йўлга қўйилди. Шу мақсадда ҳар икки олий ўқув юртлиридан мутахассислар жалб этилади.

«Туркистон-пресс».

Адашганлар кечирилаяпти

Умр кўчаларининг қай бирига ўтиш одам боласининг измида, унинг раёига боғлиқ, тарбия ўйсинига тегишли. Идрок қилин-маса, «пешона»га тушган вазиетлар йўриқларни чиқиб кетиши учун ирода этишмаса, хоно-хавасни енгиб-елги хаволари «умр-бахши», ёқимли туюлган дақиқаларда ақл, имон—этиқод қара қулга кўмилса, эгри кўчаларга кириб кетиш ҳеч гап эмас. Унинг иттибодиси — қинғирлик, ўргиллик, гиёҳвандлик, қотиллик хунрезлик билан бошланиб, пировардда қора курси билан ўз интихосига етади ва бундай киши темир панжаралар ортида кўнм топади.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш тизимидаги Олмалик муассасасида бўлиб, ўз умрини совириб, жиноятчилик кўчасига кирган ва эндиликда ўз қилмишига яраша жазо олган бир гуруҳ маҳкумлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳеч бири ўз ҳаётини нега бу кўчага буриб юборганлигини мантиқли изоҳлаб бера олмади. «Ешлик — бебошлик экан-да». «Ўзим ҳам билмайман...»

Муассаса бошлигининг ўринбосари хонасига барвас-та йиғит кириб келди. Ўзини Евгений деб таништирди. 1977 йили Тошкентда туғилган. Оилада катта ўғил эди. Фишт териш қасбини яхшигина эгаллаган, биноларга гранит ва мрамар билан сайкал берарди. Онаси икки ўғли билан бева қолганди. Меҳнатга, бунёдкорликка ўрганган бу йиғитнинг кўллари йиғирма бир ёшда қўшниси, тенгдошнинг ёқасига ёпишди.

— Бир кун ишдан келаётсам, кўшним уйига тақлиф қилди, — хирилдоқ овоз билан сўзлайди Евгений. — Бироз ичишдик. Нима бўлди-ю, гап талашиб қолдик. Мастликда мени ҳақоратлаб, кўчага ҳайдаб чиқарди. Ховлида папирос чекиб ўтирдим. Қўшним чиқиб, яна уйига тақлиф қилди, ичкилик давом этди. Кўп ўтмай қўшним яна халиғи гапини давом эттира бошлаганида, ўзимни тутта олмай қолдим, икки елкасидан чангаллаб олиб, деворга орқаси билан урдим. Яна урдим. У ёғини билмайман...

Евгений Олмаликдаги жазони ўташ муассасасида бир йилдан кўпроқ ўтирди.

— Шундай бўлишини хаёлимга келтирмагандим, — тутила-тутила хижоясини давом эттирди маҳкум. — Бўлиб ўтган воқеа мен учун сабоқ. Мана жабрини тортаётман. Хотиним, болаларимга ачинаман. Ичкилик бутун руҳиятимга ёмон таъсир қилди. Ичсам, кўз унгимда ҳар турли қиёфа-

лар пайдо бўлиб, миям гувиллар, онам ҳам кўзимга кўринмай кетаварди. Мана бу ерда даволандим. Соғлигим яхши. Озодликка чиқсам,

Муассаса раҳбарлари Хожикўлнинг руҳияти, хатти-ҳаракати ва интилишларини ижобий баҳолашди. Олмаликка келган, чинакамига даволанишга киришибди. Спорт билан шугуллана бошлабди.

— Ота-онам болагимда ажрашиб кетишган, — эслайди Хожикўл. — Уларнинг ҳаётлари ўзларича. Мен болагимдан ўзим билан ўзим бўлиб ўсдим. Кечки мактабда ўқирдим. Уша кезлари бекитиқча чекиб, у-бу нарсаларни хидлаб юриб, шу балога йўлиқ-қўнм бўлиб, энди чинака-

ҲАЁТ БИР МАРТА БЕРИЛАДИ

ишга жойлашаман. Албатта, дастлаб онам, укам ёрдам беряшарди. Уларни соғиндим. Тез-тез хат ёзишиб турибмиз. Умидим бор. Аста-аста оёққа туриб олам.

Евгений муассасада ўзини яхши тутиб, меҳнат қилди. Суҳбатимиз арафасида суд унинг ишини, муассаса бошлигининг тақлифини кўриб чиқиб, унга нисбатан инсонпарварлик далолатномасини қабул қилибди. Жазо тури енгиллаштирилиб, мажбурий меҳнат билан алмаштирилибди.

Шу кун инсонпарварлик муносабати намоён этилиб, ўзларига нисбатан мана шундай фикрга келинган уч-тўрт маҳкум билан суҳбатлашдик. Улардан бири — Хожикўл 1974 йили туғилган. Жиноят кодекси 276-моддасининг 2-қисми бўйича 4,5 йилга ҳукм қилинган.

— Гиёҳванд экансиз-да?

— Собик гиёҳванд деяверинг, — маҳкум кўлини кўксига қўйди. — Тижоратчи эдим, топшичим яхши эди. Уни-бунни хидлаб юриб, нашаеванд, гиёҳванд бўлганимни сезмай қолдим. Героин истемол қилардим. Бу ерга келгач, дарҳол даволанишга тушдим.

мига ашайман, турмушимни, рўзгоримни йўлга қўяман деганимда, гиёҳвандлик мени шу алфозга солди. Шукрки, хотиним идрокли чиқди. Бут-бот хабар олиб, қўллаб-қувватлаб туради. Мана энди даволандим. Юриш-туришимни, ишимни ҳисобга олиб, суд бутун илгариги ҳукмини ўзгартирди. Ахлққ тузатиш ишларига ўтказилдим...

Хожикўлнинг кўнгли енгил тортганлиги сезилиб турибди. У дона-дона, аниқ гапирарди.

— Ёшим ҳам ўтиб борапти, — деди у хайрлашаётганимизда. — Болагикдаги бебошлиқларим қимматга тушди. Ҳечдан қўра, кеч бўлса ҳам ўзимни тутиб олганимга шукрки қиламан. Эрта-индин оиламга қайтаман. Орзуим фарзанд кўрсам, уларни ўзим тарбиялаб, оёққа турғазсам...

Хожикўжа ҳам ёш, энди йиғирма саккизга тўлаяпти. Паркентдаги 9-мактабда ўқиган. Қўшнининг ситгирбузоғини ярим тунда оғилхонадан олиб чиқиб кетган.

— Йўлда арзонга сотиб юбордим, — дейди маҳкум ердан кўз узмай. — Неча сўмга сотақолдингиз?

— Она-бола ситгирни 80 минг сўмга сотгандим...

Суҳбатимиз оғир кечди. Бу Хожикўжанинг учинчи қамалиши экан. Оилада тўрт опа-сингил, икки ўғил ўсишган.

— Отам бир дехқон одам, — дейди у. — Мен ҳам дехқончилик билан шугулланмокчи эдим. Биринчи марта бола билан ичишиб ўтириб, уришиб қолдик. 1996 йили авф эълон қилиниб, озодликка чиққандим...

Хожикўжа оилада учинчи фарзанд. Ёши ўттизга бориб қолапти, ҳамон оила қуриб, уй-жой қилолмаганлигидан ўқинида. Мана, давлатимизнинг инсонпарварлик далолатномаси билан 6 йилу 9 ойлик қамқоқ жазоси ўзгартирилиб, манзил колониясига чиқарилмоқда.

Отабек ҳам йиғирма ёшдан энди ўтди. Лекин, жазони ўташ жойларида иккинчи марта ўтириши. Илк дафъа 1998 йили жиноят кодексининг 169-моддаси бўйича айбланиб, 4 йил озодликдан маҳрум этилган. Лекин, олти ой ўтгач, Президентнинг амнистия тўғрисидаги фармони бўйича озодликка чиқарилган. Орада икки-уч йил ўтиб, яна эски одатларини қўқсай бошлаган. 2002 йил эзида «Нексия» автомашинасини олиб қочиш мақсадида эшигини очиб, моторни ўт олдириганида қўлга олинган. Мана яна инсонпарварлик далолатномаси асосида қамқоқ енгил жазо билан алмаштирилди.

— Онам, опаларим интизор бўлиб кутишяпти, — дейди Отабек. — Чиқиб бориб, бир ишининг бошини тутсам дейман. Лекин, касб-корим йўқ. Энди, иш хусусида, кўчанинг шароитига қараймизда...

Бу муассасада суд-ҳуқуқ идоралари томонидан жазони енгиллаштириш мақсадида ҳукмларни қайта кўриб чиқиш изчил тус олган. Иш қайта кўрилиб, лозим бўлган қарор қабул қилиниши мўлжалланган маҳкумлар рўйхати бир неча ой илгарии кўриналиб жойга олиб қўйилди. Инсонпарварлик далолатномасини қабул қилиш чоғида уларнинг муассасадаги юриш-туриши, албатта, ҳисобга олинаётди. Давлат ва жамиятнинг инсонпарварлик саъй-ҳаракатлари билан ўз тақдирини кескин ўзгартиришга ҳаракат қилган кишилар жазони ўташ мuddатидан анча барвақт ўз яқинлари қошига қайтмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ЖАМОАСИ — «1-АФРИКА-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ» ГОЛИБИ

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб ўтган «1-Африка-Осиё ўйинлари»да ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этдилар.

Спорт мусобақаларининг ярим финал босқичида мамлакатимиз футбол жамоаси рундлик рақиблари устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олган эди. 31 октябр кунини Ҳайдарободдаги Лал Баҳодир стадионида бўлиб ўтган финал учрашувида юртдошларимиз мезбон мамлакат жамоаси — хиндистонлик футболчилар билан майдонга тушишди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимининг 45-дақиқасида ҳамюртимиз Ислоҳ Инъомов стадионга йилгилан кўсонли футбол ишқибозларини хайратга сола олди — унинг олис масофадан туриб йўллаган тўпи рақиб жамоаси дарвозаси тўртини ишғол этди. Бу эса ўйин тақдирини халқ қилди — учрашув 1:0 ҳисобида мамлакатимиз футболчилари ғалабаси билан якунланди.

Шу тариқа Ўзбекистон футбол жамоаси «1-Африка-Осиё ўйинлари»нинг голиби бўлиб, мамлакатимиз учун яна бир олтин медални қўлга киритди.

«Икки минтақа — бир қалб» шiori остида 10 кун давом этган мазкур спорт мусобақа-

ларида Африка ва Осиё минтақалари мамлакатларидан қариб 2 минг спорт устаси атлетика, бокс, хоккей, сузиш, футбол, тош қўтариш, теннис ва мерганлик бўйича ўзаро кўч синашди.

Футболчиларимиз сингари чарм қўлқоп усталари ҳам «1-Африка-Осиё ўйинлари»нинг бокс мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишиб, 5 та олтин ва 2 та бронза медални соҳиб бўлишди. Моҳир боксчиларимиз Баҳодир Хон Султонов, Дилшод Маҳмудов, Баҳит Сарсекбаев, Уткирбек Ҳайдарбеков ва Рустам Саидов эришган ғалабаларини жуда кўплаб спорт мухлисларининг олқишига сазовор бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон спортчилари «1-Африка-Осиё ўйинлари»да жами 7 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритишди. Олтин медаллар сони бўйича ҳамюртларимиз китъа мамлакатлари орасида саккизинчи ўринни забт этишди.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Дехли.

ДЗЮДО

АБДУЛЛАНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан хабар беришларича, Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида ўтган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Мамлакатимизнинг энг кучли полвонларидан бири - Абдулла Тангриев вази 100 килограмдан зиёд дзюдочилар ўртасида китъамизда тенгсиз эканини исботлади. Иктидорли спортчи барча рақиблари курагини ерга теккизиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Оғирлиги 60 килограмми дзюдочилар баҳсида С.Зокиров фақат финалда рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, 90 килограмм вази тоифасида В.Перетейко учинчи ўрин билан кифояланди. Аёллар беллашувида гиламга чиққан З.Жураева ўз вази тоифасида бронза медалига эга бўлди.



Даврон АХМАД олган сурат.

У.А.

ОЛОВ БИЛАН УЙНАШМАН

Бу қишлоқда яқин ўртада бундай ёнғин содир бўлмаган эди. Бир йўла ўн икки хонадоннинг кули кўкка соғурибди. Ёнғин жа, бир хонадондаги газ восталарининг носозлиги, унга вақтида эътибор берилмаганлиги оқибатида келиб чиққан. 20 та ўт ўчириш машинаси билан бахўр ёнғин бартараф этилди.

Кейинги пайтларда вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатларга қарамай, жойларда ана шундай содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг сони қамаймапти. Айниқса, фуқаролар уйларида рўй бераётган фожалар ҳамани ташвишга солмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятимизда 1368 та ёнғин содир бўлди, шундан 788 таси фуқаролар хонадон-

ларида рўй берди. Ёнғин оқибатида 7 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 77 фуқаро тан жароҳати олди.

Ёнғиндан сақланиш, унинг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари фуқароларга яна бир бор эслатади: — аввало, газ билан иситиладиган печларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туриш; тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг; — ясама ва носоз бўлган

иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг;

— газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширманг, иложи борича болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилинг;

— газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;

— ёниб турган газ плитаси устида кир қурирманг; — ёнаётган газ хонасидаги шамоллатиш мосламаларини беркитиб қўйманг, хонани тез-тез шамоллатиб туринг;

— газ хидини сезсангиз, уқунч қичирувчи мосламаларни (чирокни ёқувчи мослама, телевизор ва ҳ.к) ёқманг. Оила аъзоларини хонадан чиқариб, дареза ва эшикларни очган ҳолда хонани ша-

моллатиб, дарҳол газ идораларига хабар бериш; — кечаси ёки уйдан кетиш олдида газ жўмрагини беркитишни унутманг;

— газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг; — агарда газ ёки иситиш мосламаларини улатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рuxсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг.

Оловдан эҳтиёткорлик билан, тўғри фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ҳамма вақт сергаз ва хушёр бўлсак, ёнғиннинг олдини олиш қондаларига риоя этиб, ҳаётда ким чек қўйсақина ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Рамзия СУЛЕЙМАНОВА,
Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.



Бекобод туманида ёнғин хавфсизлиги ва унинг олдини олиш борасида Ёнғинга қарши кураш жамияти раҳбари Абдуҷаббор Мирзааҳмедов (ундан иккинчи) аҳоли билан ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлашмоқда.

СУРАТДА: Ёнғинга қарши кураш жамияти раҳбари Абдуҷаббор Мирзааҳмедов (ундан иккинчи) аҳоли билан ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳақида суҳбатлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТНИНГ ПРАВАДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Шлефонлаф:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-70-10,
136-53-54

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.